

MEDICINAL MEDICINE IN NATURE PHARMACY

TECHMIND-2021

Kushaev Kushhakim Abdunabi oglu

Teacher of Kizirik College of Agrotechnology

Abdusamatova Adiba Ilyosovna

Daughter of Muhammadiva Mukhlisa Abdurasul

Nurullaev Nizomjon Komiljon oglu

1st year student of Kizirik College of Agrotechnology

Tel: +998 (90) 522 11 55

nurullayevazamxon@gmail.com



Abstract:

This article deals with the morphology of buckwheat: external structure, stem, leaves and flowers, chemical composition, growing temperatures, agrotechnology, sowing method, varieties and fertilization periods, cultivation, as well as the effect of vitamins and organisms on the organism, medicinal properties, healing properties, preparation of drops for consumption.

Keywords:

Buckwheat, queen of cereals, cereals, agronomic technology, new, temperature, cultivation, fertilization, medicinal properties, folk medicine

Морфологияси. *Маржумак* (гречка) “*Ёрмалар маликаси*” демакдир. Маржумак – бўйи 50-150 см га етадиган пояси шохланган, яланғоч, қиррали, қизғиш-яшил тусдаги бир йиллик ўсимлик. Меваси 3 қиррали, қўнғир, қора ёки қулранг. Дони таркибида 12-18 % оксил, 59-62 % азоциз экстрактив моддалар, 2,5–2,7 % мой бор, фосфор, органик кислоталарга бой. Донидан турли ёрмалар ва ун тайёрланади. Чикиндилари чорва учун озуқа. Маржумак намсевар, иссиқсевар экин. Ниҳоллари -2°С совуқда зарарланади. Вегетация даври 70–90 кун. Асаларилар ёрдамида чангланади. Тупроқ унумдорлигига қараб ҳосилдорлиги 30–44 с/га.га етади. Зараркунандалари: симқурт, ўсимлик битлари; касалликлари: қулранг чириш, занг ва қорақуя.

Агронеҳнологияси: Ерни экишга тайёрлаш. Маржумак қузғи донли экинлар, картошка, маккажўхори, қанд лавлаги, окжўхори, дон-дуккакли экинлардан кейин экилади. Ерни экишга тайёрлаш ўтмишдош экинларнинг қолдиқларидан тозаланади ва 20–22 см чуқурликда юмшатилади, майдон текисланади.

Уруғлик танлаш ва экишга тайёрлаш. Экиш учун тавсия этиладиган навлар: *Агидел, Илишевская, Инзерская, Чисменская* ва б.к.

Экиш учун рўвакнинг энг юқори қисмидаги серҳосил уруғлар танлаб олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Маржумак уруғи июлнинг охири ва 10 августгача ёппасига қаторлаб экилади. Қатор ораси 15 см бўлганда, 10 сотих майдонга 5–6 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги эса 4–5 см.ни ташкил қилади.

Парваришлаш. Ўсимликлар ягона қилинмайди. Экин вегетация мобайнида 2–4 марта суғорилиб, ўтоқ қилинади. Суғоришлардан кейин ер юмшатилади, биринчиси 4–5 см, иккинчиси 6–8 см чуқурликда.

Ўғитлаш. Маҳаллий гўнг ерни экишга тайёрлаш пайтида солинади (10 сотихга 2 т хисобида). Зарур ҳоларда (гўнг етмаганда) 10 сотихга 4 кг азот, 2 кг фосфор, 4 кг калий берилади.

Носилни йиғиштириш. Маржумак донлари тўла етилганда яни 70–90 кундан сўнг ўриб олинади. Пояси эса чорва моллари учун озуқабоб ем-хашак ҳисобланади.

Дориворлик хусусиятлари: Маржумак таркибида узоқ вақт мобайнида тўқ тутадиган мураккаб карбон сувлари мавжуд бўлганлиги сабабли ажойиб пархез таом ҳисобланади.

Унинг таркиби темир, фосфор, калций тузлари В₁, В₂, рр каби дармондорилар, оксил, азотсиз экстрактив моддалар мойлар иборат бўлиб, оксил жуда кўплиги боис, гўшт, тухум каби табиий маҳсулотлар билан бемалол тенглаша олади. Бундан ташқари у юз терисининг рангини тиниқлаштиради, камқонликда шифо бағишлайди ҳамда қон айланишини яхшилади.

Тажрибаларда унинг таркибидаги асосий элементлардан бири Р_{utin} аниқланган. *Rutin* хусусияти бўйича Р витаминига яқин. Шу боисдан маржумак С белгили дармондорлар қаторида ҳисобланиб, агар у омукта қилиб ейилса хужайраларида мураккаб муаммо бўлган кишиларда қон томирлар деворларини мустаҳкамлайди, имун тизим фаолиятини яхшилади, қон кетишини олдини олади. Шу билан бирга тож томирларнинг Варикироз кенгайишини, бавосил (гемарой) да ёрдам беради.

Маржумак зориқишда, уйқусизликда, кабзиятда яхши наф берувчи ўсимликдир. Соч илдизи ва тирнокни ҳам мустаҳкамлайди.

Канадалик олимлар маржумакдан тайёрланган шўрва 12-19 % қандни камайтиришини аниқладилар. Қанд касалига мубталло бўлганларга бундай шўрва фойдали саналади.

Маржумак дони пиширилмаган ҳолда ҳам яхши наф беради, яъни донларини ерга сепиб устидан ялонғоёқ юрилса, бази касалликларнинг олдини олади, чунки оёқ остида кўплаб фаол нуқталар жойлашган бўлиб уларга таъсир қилиш, ички аъзолар фаолияти яхшиланишини таминлайди.

Пархезшунослар маржумак ёрмасини ортиқча вазн, асаб, юрак, қон томир тизими хасталиклариди беморлар таомномасига киритишни тавсия этадилар.

Маржумак кўзни равшан қилади, мия қон айланишини маромига келтиради. Агар у қатик билан бирга истеъмол қилинса, авзои-тана ўзига керакли моддаларни олиш учун ёғни эритади. Бу ҳолат модда алмашинувини тезлаштиради, пировардида ёғ қатлами эрийди, натижада киши сарвқомат ва тетик бўла бошлайди. Пархез учун дон ҳамда гулини олган маъкул.

Куйидаги усулда тайёрланган маржумак ёрмаси жуда фойдалидир: бир стакан маржумак ёрмаси олиниб, устига 400 мл қайноқ сув куйилади ва 12 соат мобайнида сақлаб турилади. Аралашмага туз, ёғ, зираворлар қошилмайди. Пархез учун тайёрланган маржумакни қатик билан ҳам истеъмол қилиш мумкин. Ушбу пархезнинг мевали ёки савзавотли пархездан фарқи шундаки, киши ҳеч қачон очлик хиссини сезмайди. Ундан тайёрланган бўтқа паришон хотирлик, жигар хасталиги, бадандаги шишларни қайтаришда фойда қилади. Халқ табобатида маржумак гулларининг дамламаси ёки қайнатмаси йўтал хуружида тавсия этилади.

Шуни ёдда тутиш керакки “гречка” ни пиширишдан аввал сувда ивитиб бўлмайди, сабаби унинг таркибидаги шифобахш моддалар сув билан чиқиб кетади. Маржумак яъни гречка ўсимлиги халқ хўжалигида ката аҳамиятга эга ҳисобланади. Ёрма экинлар орасида тўйимлилиги жиҳатдан юксак баҳога эгадир.

Фойдаланилган Адабиётлар.

1. “Доривор ўсимликлар” Холматов.Х.Х, Қосимов.А.И. Тошкент – 1993
2. “Ўсимликшунослик” Қ.Ёқубжонов, С.Турсунов Тошкент – 2008
3. “Ўсимликшунослик” Н.Отабоева, О.Қодирхўжаев. Тошкент “Янги аср авлоди” – 2006
4. “Халқ табиатида ва замонавий илми тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар” В.Каримов. А.Шомахмудов. Тошкент – 1993